



ЛАТЕНТ ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ ВА УЛАРНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ

Абдулвохидов Жасурбек Рустамжон ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ўқув-саф қисми отряд командирининг
ТИБ ўринбосари, лейтенант

Аннотация: Ушбу мақола орқали сиз, латент жиноятчиликнинг криминологик тавсифи, турлари, ўзига хос хусусиятлари, бугунги кундаги ҳолати, уни ўрганиши бўйича ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари ҳамда унинг самарали профилактикаси ишлаб чиқиши ва амалга ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: латент, жиноятчилик, криминологик, илғор тажрибалар, профилактика, таклиф ва тавсия.

КИРИШ

Латент (лотинча – latents (latentis) – яширин кўринмайдиган) жиноятчилик реал яширин ёки рўйхатга олинмаган. Ҳақиқатда содир этилган жиноятларнинг қисми¹.

Бизга айонки, криминология фанида «латент», яъни «яширин» жиноятчиликсиз жиноятчиликнинг ҳолати умумий тушунчасининг тавсифи тўлиқ бўлмайди.

Латент лотинча “latentis”, сўзидан олиниб, яширинган, кўринмайдиган, ташқи томондан билинмайдиган деган маънони билдиради.

Латент жиноятчилик деб, маълум бир минтақада белгиланган бир даврда содир қилинган, лекин у ёки бу сабабларга асосан жиноятга оид статистикада қайд этилмаган жиноятлар йиғиндисига айтилади.

Дунёда латент жиноятчиликка қарши курашнинг асосий усусларидан бири сифатида унинг келиб чиқиши сабаблари, шартлари ҳамда унга туртки бўлувчи омилларни аниқлашга эътибор қаратилмоқда. Бундай ёндашув бир вақтнинг ўзида ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга эканлиги билан диққатга сазовордир.

Латент жиноятчилик ҳам бошқа жиноятлар каби криминологияда умумъетироф этилган: «Жиноятчиликнинг умумий сабаблари ўзига хос

¹ Абдурсулова Қ.Р. Криминология. Дарслик. Масъул мухаррир: ю.ф.д., проф. М.Х. Рустамбоев. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. 39 бет.



намоён бўлиш хусусиятларига эга. Илмий жиҳатдан ушбу хусусиятларни билиш ижтимоий жараёнлар табиати ва динамикаси ҳамда ижтимоий-психологик омилларнинг жиноятчиликка таъсир этувчи механизмини очиб бериш билан боғлиқдир»².

Жамиятда у ёки бу ҳодисанинг, жумладан, латент жиноятчиликнинг пайдо бўлиш сабаблари асосан ижтимоий, иқтисодий, этнографик ва диний қарашлар билан боғлиқ. Бундай ҳудудий мазмунга эга бўлган кўрсаткичлар жиноятчилик географияси ва турларига бевосита таъсир ўтказади. Шунингдек, маълум минтақада шакланган турмуш тарзи, омма психологияси, урф-одатлар, анъана, шакланган дунёқарашлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлади^{3,4}.

Латент жиноятлар умумий криминология назариясида бўлгани каби объектив ва субъектив сабабларга боғлиқ жиноят ҳисобланади. Бунга жиноят қонунчилигидаги айрим номукаммалликларнинг борлиги, жиноятларни рўйхатга олишнинг самарасизлиги, жиноий қилмишларнинг ҳисобини юритувчи органларнинг масъулиятсизлиги, келиб тушган маълумотларни ўз вақтида қайта ишлашнинг имкони йўқлиги ва бошқаларни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

Латент жиноятчиликни юзага келиш сабабларига кўра қўйидаги турларга бўлиб таҳлил қилиш мумкин:

1. Жиноятлар ҳисобини юритувчи органларнинг идоравий номувофиқлигисабабли қилмишларнинг жиноятларни рўйхатга олиш тизимиға киритилмаслиги. Бу асосан жиноятларни марказлашган рўйхатга олиш ваколатининг Ички ишлар вазирлиги органларидан прокуратура органларига ўтказилиши ва ушбу тизимнинг янги жорий этилганлиги, рўйхатдан ўтказишнинг компьютерлаштирилгани билан боғлиқ.

2. Ҳеч кимга аён бўлмаган жиноятлар. Одатда бунга «эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган, ишлаб чиқариш технологияларини бузиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар» ва бошқалар киради. Баъзан бу гуруҳга

²Звирбуль В.К. Изучение территориальных различий преступности – необходимое условие повышения эффективности борьбы с нею // Влияние социальных условий на территориальные различия в преступности. М., 1997.

³ Ростов К.Т. О сущности социально-географического подхода к изучению преступности // Органы внутренних дел на пути к правовому государству (сборник трудов адъюнктов и соискателей). Вып. 1. СПб., 1993. С. 70-75.

⁴ Вопросы этнопсихологии в разработках зарубежных авторов. М, 1970. С.39.



эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятлардан ташқари, кам аҳамиятли, оз миқдорда зарар етказилган жиноятлар ҳам киритилади.

3. Фақат жиноятчига маълум бўлган жиноятлар. Ушбу тоифадаги жиноятларга маст ҳолатдаги шахсга, вояга етмаганларга нисбатан содир этилган жиноятлар, шунингдек, «жабрланувчисиз бўлган жиноятлар» деб номланган жиноий ишлар киритилади. Бу, масалан, манфаатдор шахснинг давлат хизматчисига ўз мансаб ваколатини бажарганлиги ёки бажармаганлиги учун пора бериши бўлиши мумкин.

Мазкур турдаги жиноятларнинг юқори латентлик даражада бўлишининг омилларидан бири Ю. Демидов, Р. Акутаев таъкидлаганидек: «Реал «қурбонларнинг йўқлиги»дир (коррупцион жиноятлар ва давлат мулкига тажовуз қилиш ҳолатлари).

Талабгорлар кўп бўлган тақдирда, давлат маблағларини мақсадли сарфлашда айнан кимгadir имтиёзлар бериш орқали шахсий манфаатдорликка эга бўлишга қизиқишлиар бу турдаги жиноятларнинг латентлик даражаси ортишига сабаб бўлмоқда.

Бунга мисол сифатида Жиззах шаҳрида қурилаётган 6 қаватли бинонинг қулақ тушишини келтириш мумкин. Ушбу кўп қаватли уйнинг қурилишида шаҳарсозлик нормалари, техника хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси бўйича ва бошқа бир қатор жиноятларга йўл қўйилган.

Бироқ кўп қаватли уйнинг қурилишида манфаатдор томон йўқлиги ва «реал қурбонлар» бўлмаганини ушбу жиноятлар латент бўлиб қолишининг асосий омиллардан бири сифатида келтириш мумкин. Агар ушбу воқеа оммавий ахборот воситалари орқали кенг омма эътиборига етказилмаганда ва ушбу ҳолатга жамоатчилик араласиб ўз фикрини билдиримаганида ушбу жиноий ҳодиса ҳам фош этилмаган бўларди. Жиноятнинг содир этилишига шароит яратган мансабдор шахслар ҳам жиноий жавобгарликдан озод бўлиб, ўзларининг жиноий ҳаракатларини давом эттиришар эди. Бу эса кейинчалик бошқа жиддий ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Шу сабабли ушбу турдаги латент жиноятларнинг катта қисмини яширин жиноятлар ташкил қиласи.

Шу сабабларга кўра АКТ, иқтисодиёт, экология соҳасида содир этилган жиноятларнинг ҳам латентлик даражаси юқори ҳисобланади.

Юқоридагилардан ташқари, жиноятларнинг латентлиги кўпинча қўйидаги оддий сабаблар туфайли ҳам вужудга келиши мумкин:



1) жабрланувчи ёки жиноиї ҳодиса гувоҳи соғлиғи туфайли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга содир этилган жиноят тӯғрисида хабар бера олмаганлиги (масалан, у беҳуш ҳолатда бўлгани ёки қисқа муддатга хотирасини йўқотганлиги);

2) жиноят содир этилган вақтда мазкур ҳудудда алоқа йўқлиги ёки имконият бўлмаганлиги сабабли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар берилмаганлиги;

3) жиноят тӯғрисида етарли маълумотга эга бўлмагани (тахминий жиноятчининг ҳодиса жойидан қочиб кетишини кўрганлиги) сабабли ушбу ҳодисанинг жиноят эканлигини билмаганлиги;

4) мутлақ номаълумлик (содир этилган жиноят тӯғрисида жиноятчи ёки жабрланувчининг ҳам хабари йўқлиги);

5) жабрланувчининг ўлими.

Латент жиноятчилик сабабларини чуқур таҳлил қилиш ва уларни ҳар томонлама ўрганиш жамиятда яширин жиноятларни уларни келтириб чиқарган шароитларни аниқлашга ёрдам беради. Бу шарт-шароитлар субъектив ва объектив хусусиятга эга бўлиб, жамият ҳаётидаги иқтисодий, мафкуравий, сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа ҳолатларнинг ўзаро боғлиқлиги натижасида намоён бўлади. Ушбу жиноятлар барча яширин ҳодисалар каби давлат бошқарувининг жамият билан заиф алоқалари ҳамда бошқарувнинг нотўғри йўлга қўйилганлиги туфайли юзага келади.

МУХОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Яширин ва яширилаётган жиноятчилик шартлари ўртасидаги боғлиқлик сабабли латент жиноятчиликнинг вужудга келиши мустакил ҳодиса сифатида шаклланади. Бу эса уни келтириб чиқарадиган ҳодисалар учун маҳсус профилактика чораларини ишлаб чиқишни талаб қиласди.

Таҳлилий ўрганиш натижаларига кўра латент жиноятчилик пайдо бўлишининг сабаби қуидаги омиллардир:

- жабрланувчилар ва гувоҳларнинг жиноятнинг очилишига ишонмасликлари. Бунга айрим ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг ўзлари ҳам сабаб бўлмоқдалар. Улар баъзида ўзларининг фаолиятида жиноятчиликни тўлиқ фош этиш имкониятига эга эмаслиги тӯғрисида фуқароларга очик маълумот беришади.

Мисол учун жиноятларни фош этишда ҳуқуқни муҳофazaga қилuvchi organlar tomonidan konunnga zid bolgan usulnari koulash. Xususan, 2017 yilda mamlakatimizda Jinoyat kodeksinинг 235-moddasi - «Kiyinoqqa solish va bosqcha shafigatsiz, fayrikonunii ёки qadr-qimmatni kam situvchi



муомала ҳамда жазо турларини қўллаш» билан боғлиқ жиноятлар 7 марта содир этилган бўлса, 2018 йилда 10, 2019 йилда 16 марта содир этилган.

Шу сабабли фуқаролар ўртасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг нуфузини туширмаслик учун соҳадаги камчиликларни бартараф этиш лозим.

Фуқаролар қуйидаги сабабларга кўра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жиноят ҳақида хабар бермаслиги мумкин:

* юридик нигилизм. Фуқаролар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига берган ариза ва хабарларига муносабат билдирилмаслигига, беҳуда вақт сарфлашнинг ҳожати йўқлигига ишонишади;

* ариза берган тақдирда жабрланувчи ёки гувоҳнинг ўзи муқаддам содир этган майда ҳуқуқбузарлик ёки ножӯя ҳаракатларнинг фош этилиши эҳтимоли мавжудлиги;

* жиноятни ўз кучи ва имконияти билан фош этиш ва адолат ўрнатиш истаги;

* жиноятчи ёки унинг оила аъзолари, дўстлари ва танишларининг қасос олишидан қўрқиши;

* жиноятчига ҳамдардлик, раҳмдиллик қилиш (айниқса, жиноятни вояга етмаган ёки ёши катта одам, оила аъзоси, яқин одами ёки бошқа таниши содир этган бўлса);

* содир этилган жиноятнинг овоза бўлиб кетмаслигини хоҳлаш (масалан, номусга тегиши ёки оиласидаги низолар, можаролар, жароҳат етказиши);

* жиноят натижасида етказилган зарарнинг кам аҳамиятлилиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда беҳуда вақтни сарфламаслик истаги;

* муқаддам жиноят қурбони бўлган ёки жиноий ҳодиса гувоҳи бўлган шахсларнинг ҳуқуқни муҳофazaga қилувчи орган ходимларидан қўрқиши ёки уларга ишонмаслиги.

Латент жиноятларни белгиловчи асосий омиллардан бири сифатида жабрланувчининг ёки жиноят қурбонининг хулқ-атвори муҳим ўрин тутади.

Жиноят жабрланувчилари тўғрисидаги таълимот - виктимология криминологиянинг энг истиқболли ва долзарб ўрганилаётган йўналишларидан биридир.

Жиноят жабрланувчиларининг ҳуқуқни муҳофazaga қилувчи органларга ўз ҳуқуқлари ва манфаатларига жиноий тажовуз қилинганлиги, моддий ва



маънавий зарар етказилганлиги тўғрисида хабар бермаганлиги «виктим латентлик» деб аталади.

Албатта, жабрланувчиларнинг содир этилган жиноят ҳақида хабар бермаслиги ёки ўз вақтида хабар бермаслиги жиноятларни аниқлаш ва фош этишда қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Жабрланувчини хабар беришдан тийиб турадиган сабаблар турли хил бўлиши мумкин. Масалан, шахсий ҳаётига оид маълумотларни ошкор қилишдан қўрқиш, бу жабрланувчи учун чуқур ҳиссий воқеаларга айланиб кетиши ёки унинг оиласига маънавий зарар етказиши мумкин.

Айни турдаги одатий мисоллар сифатида жинсий дахлсизлиги ва жинсий эркинлигига қарши қаратилган жиноятлар, жинсий йўл билан юқадиган касалликлар, ноқонуний аборт қилдириш ва бошқаларни келтириш мумкин.

Жиноят жабрланувчилари жиноий ҳодисани яширишининг асосий омилларидан бири – жабрланувчи ўзига қарши маълумотларнинг ошкор бўлиб қолишини истамайди. Мисол учун аборт қилдирувчиларнинг кўпি турмушга чиқмаганлар ёки тасодифий муносабатлар туфайли ҳомиладор бўлганлардир.

Латент жиноятчилик умуман олганда икки қисмдан иборат.

Биринчи қисм ҳисобга олинмаган ёхуд давлат идоралари, муассаса ва ташкилотлари аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан рўйхатга олинмаган жиноятларни қамраб олади. Бу асосан жиноятлар ҳисобини олиш, ҳисобини юритиш ва уларни рўйхатга олиш қониқарсиз ташкил этилганлиги натижасидир. Аммо, жиноятлар ҳақидаги ҳар хил ахборотлар ва хабарларни ҳисобга олишдан ҳар хил сабабларга кўра (аввало муайян қонунбузарликлардан холилик муҳитини сохта равишда вужудга келтириш учун) онгли тарзда яшириш ҳолатлари ҳам учраб туради.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан рўйхатга олинадиган жиноятлар денгиздаги «музтоғ» («айсберг»)нинг сув юзасидаги қисми эканлиги, унинг тўртдан уч қисми яъни жуда катта қисми яширинлиги умум эътироф этилган. Масалан, ўғриликлар сони жуда кўплиги шубҳасиз. Лекин амалда ҳар уч ўғрилиқдан бири рўйхатга олинади. Букаби жиоятларга кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин, ҳусусан, товламачилик, фирибгарлик, баданга етказилган танжрохатлари, номусга тегиш, аёли жинсий алоқа қилишга мажбурлаш, раstarата ва талон тарож қилиш шу каби бошқа ҳуқуқбузарликлар.



Латент жиноятчиликнинг иккинчи қисми амалда мавжуд бўлган ва кўпчилик жиноят сифатида қабул қиласиган, лекин ҳозиргача давлат томонидан жиноят сифатида расман тан олинмаган ижтимоий хавфли қилмишлардан иборат. Илгари амал қилган аналогия институти, гарчи бу қонунийликка зид бўлсада, қонунчиликдаги муайян камчиликлар ўрнини тўлдириш имконини берарди. Маълумки, 1959 йил ЎзССР Жиноят кодекси қабул қилинганидан сўнг, аналогия, яъни муайян моддада муфассал ёки тўғридан-тўғри назарда тутилмаган қилмишни жиноий деб топиш бекор қилинди.

Масалан, экология соҳасидаги жиноий қилмишлар, «халқаро» жиноятлар, «оқёқалилар»нинг жиноий қилмишлари (mansabdorlik жиноятларининг ҳар хил турлари), аксарият иқтисодий жиноятлар (ноқонуний кредитлаш, даромадни ҳисоб ва солиқдан яшириш, корхона учун фойдасизлиги аён битим тузиш, сохта корхона ташкил этиш, нархнавони сунъий тарзда ошириш, қалбаки товарлар чиқариш ва бошқалари.

Шунингдек, XXI аср глобал ахборот техналогияларниг ривожланиб бораётган давирда компьютер жиноятчилиги асосан латент (яширин) бўлиб қолаётир. Уларни криминологик жиҳатдан ҳар томонлама ўрганиш ва уларнинг жиноят-ҳуқуқий қўрсаткичларини аниқлаш ҳозирги даврнинг мушкул ва долзарб вазифаларидан биридир. Зотан, латентлик ҳодисаси жуда кўп салбий оқибатларга сабаб бўлади. У жиноятчиликнинг ҳақиқий миқёси, шакллари ва таркиби, жамият, давлат ва фуқароларга етказилган маънавий ва моддий зарарнинг миқдори ва хусусияти ҳақида нотўғри тасаввур беради. Латентлик натижасида жиноятлар содир этилишига имконият яратувчи барча ҳолатларни аниқлаш, жиноят учун жазоннинг муқаррарлиги принципини рўёбга чиқариш қийинлашади, жиноятчиларда ва аҳолининг бошқа қатламларида жазосизлик туйғуси шакланади, давлат ва жамиятнинг турли минтақаларда ва бутун давлат миқёсида жиноятчиликни прогноз қилиш имконияти чекланади, бу эса жиноятчиликнинг олдини олиш соҳасида амалга оширилаётган чоратадбирларнинг самарадорлигига салбий таъсир қўрсатади.

Латент жиноятчилк ҳақиқатдан содир этилган лекин қандайдир сабабга кўра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ваколатли органлар рўйхатига кирмай қолган жиноятлардир⁵.

⁵ Криминология. Учебник под ред. Кудрявцева В.Н., Эминова Е.М. –М.: Юрист, 1997. –301-б.



Латент жиноятчиликка илмий тавфсиф қарасак, ушбу жиноятчиликнинг уч тури мавжуд. Ҳусусан:

- табиий латент жиноятчилик;
- сунъий латент жиноятчилик;
- чегаравий латент жиноятчилик.

Табиий латентлик деганда содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш (жиноят) ҳақида ушбу қилмишни содир этган айбдор шахс ва ундан жабрланувчидан бошқа ҳеч кимга маълум бўлмайди. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига маълум бўлмаган алоҳида турдаги жиноятларнинг йиғиндисидир.

Бу турга мисол учун фирибгарликни киритсак бўлади. Айрим шахслар алданиб қолиб уятга қолишдан қўрқишиди ва ИИОга мурожаат қилишмайди.

- содир этилган жиноятлар ҳақида айниқса жабрланувчиларнинг, қолаверса фуқароларнинг тегишли ваколатга эга бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ҳабар бермаслиги;
- жабирланувчи шахс учун жиноят туфайли етказилган моддий, манавий ва жисмоний заарарнинг аҳмияти йўқлиги;
- жабрланувчининг ўз ҳуқуқи ва қонуний маънфаатларини, давлат томонидан ўрнатилган қонунини билмаслиги;
- жабрланувчининг бошқа жиноятларга алоқаси борлиги ошкора бўлиб қолишидан қўрқиши оқибатида;
- содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш оқибатида ўз обрўларинг тўклишидан қўрқишилари;
- жабрланганларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятни тез ва сифатли фош этишига кучи етмаслигига ишонмай улар билан мулоқот қилишдан бош тортиши;
- жиноятчи томонидан қасд олиниши мумкинлигидан қўрқиб, жабрланувчи ички ишлар органларига ҳабар бермаслиги;
- терговга қадар текширув, суриштирув ва тергов дамомида ҳаддан зиёд бюрократик фаолиятнинг узуннлиги, ортиқча сарсон-саргордонликлар:

Сунъий латентлик деганда жиноятни содир этилганлиги ички ишлар органлари ходимлари ва бошқа мансабдор шасларга маълум бўлган, аммо у ёки бу сабабларга кўра расмий рўйхатга олинмаган жиноятлар тушунилади.

Бунда уч холат мавжуд.

- тўғридан-тўғри рўйхатдан яширилган жиноятлар



– жиноят ишини құзғатиши рад қилиш бүйіча асоссиз қарор чиқариш, ноқонуний тұхтатиши, ноқонуний айблов хукмини чиқаришлардан келиб чиққан латент жиноятлар.

– Жиноят әмас деб жиноий-хатти-харакатни нотұғри таърифлашдан келиб чиққан статистикага киритилмаган жиноятлар.

Сунъий латент жиноятчиликнинг үзига хос бир қанча турлари мавжуддир:

– Тузилишига оид сунъий латент жиноятчилик. Бунда сунъий равишда бир жиноятнинг оғир жиноятлар, унча оғир бўлмаган, ёки эҳтиётсизликдан содир этилган деб таърифлаш.

– Легал латент жиноятчилик – одатда бу турдаги жиноятлар қонунчиликнинг такомиллашмаганлигидан, ёки жиноят ишини құзғатиши ва тергов қилиш хусусиятларидан келиб чиққан латент жиноятлардир. Шериклар ичиб олиб үз шеригини ташлаб кетишади ва у қорда қолиб музлаб ўлади. Баҳорда қор эриб унинг ўлиги чиқади. Ўлдирилганлиги ҳақида далил бўлмаганлиги учун одатда жиноят иши құзғатилмайди.

– Рўйхатга оид латент жиноятлар. Жиноятни дастлабки рўйхатга олишдаги камчиликлар. Мисол учун номусга тегиши жинояты фақатгина ариза тушганда рўйхатга олинади, лекин бужиноят содир этилсада, уни очиш қийин кечиши муносабати билан ходим жабрланувчини хар хил сабабларни келтириб ариза ёзмаслигига уринади.

– жиноятни ҳисобга олишдан қасдан яшириш, яъни қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноятлар тұғрисидаги аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ёки кўриб чиқиши юзасидан хизмат вазифаси юклатилган шахснинг бундай маълумотларни қабул қилишни рад этиши ёки белгиланган тартибда расмийлаштирумаслиги.

Қасдан яшириш деганда, ариза, хабар ва бошқа маълумотларнинг жиноятлар тұғрисида эканлигини билгани ҳолда уларни беркитиш, үзида сақлаш, қабул қилишни рад этиш, белгиланган тартибда рўйхатга олмаслик ҳамда ариза, хабар ва бошқа маълумотларда ифодаланган тайёргарлик кўрилаётган, содир этилган ёки содир этилаётган жиноятларга қонунда белгиланган тартибда чора кўрилишига ҳар қандай усулда тұсиқ яратиш тушунилади⁶.

⁶ Криминология. Учебник юрид. вузов. Под ред. А.И.Долговой. – М.: Инфра-Норма, 1997. – 670-б.



Күйидагиларни жиноятни ҳисобга олишдан яшириш ҳолатлари деб баҳолаш мумкин:

- Жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларга тұғридан-тұғри чора күрмаслик, яъни содир бұлған ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақида ариза ва хабарларни қабул қылмаслик ёки рүйхатта киритмаслик;
- Жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарлар юзасидан текшириш материалларни сохталаштириш ва билдиргилар асосида тасдиқланмаган факт сифатида назоратдан чиқариш;
- Текшириш материалларидаги ҳужжатларни сохталаштириб, жиноят иши құзғатиши ради этиш қарори чиқариш;
- Жиноят ишининг бир қисмини алоҳида юритувга ажратиб, кейинчалик бұл ажратилған қисм юзасидан ахборот марказларига дастрлабки ҳисбот карточкаларини тақдим этмаслик ва ажратилған қисм бұйича процесуал қарор чиқармаслик;
- Жиноятлар ҳақида аризалар ва хабарларни асоссиз бошқа органга ҳудуд бұйича тегишли деб юритиш ёки жиноят ҳақидаги ариза ва хабарлар бұйича материалларни ҳудудий тегишлилик бұйича юборилған деб сохта белги билан назоратдан чиқариш.

Шу болан бирга, мазкур ҳолатта ички ишлар идораси навбатчилик қисми навбатчиси томонидан жиноят ҳақидаги аризани турли баҳоналарни рұкач қилиб қабул қилишни ради этиши ёки қабул қилиб олса-да, уни белгиланған тартибда бұл турдаги хабарларни қайд қилиш бұйича маҳсус юритилған китоб ёки журналига рүйхатта олмаслуги, шунингдек терговчи аризани шахсан қабул қилиб олиб, мазкур ҳолат бұйича жиноят ишини құзғатған бұлса-да, аммо жиноятлар сонини камайтириш ёки тезкор вазият күрсаткичини яхшилаш мақсадида тегишли тартибда статистик карточкани қасдан тұлдирмаслик ёки жиноят ишини тергов қилиш жараёнида аниқланған жиноят бұйича құшымча айб эълон қилиб жиноят ишини судга юборса-да, бу ҳақда тегишли равища навбатчилик қисми орқали хабарни меъерий ҳужжатлар асосида тегишли органга тақдим этмаслик ёки Ахборот марказининг содир этилған жиноятларни жамлаш ва ҳисбот юритиш бұйича ваколатли ходимлари томонидан ҳисбот карточкалари қабул қилиб олиниб, бу карточкадаги маълумотларни қасдан ҳисобга киритмаслик ҳолатлари бунга мисол бўла олади⁷.

Чегаралық латент жиноятчилик – бу жиноят содир этилганининг хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг билим савияси етарли

⁷ Антонян Ю.М. Преступность среди женщин. – М.: Право, 1992. – 35-б.



емаслиги, (терговга қадар текширув жарайонида: профилактика инспекторлари, тезкор қидирав ходимлари, суриштирув ва дастлабки тергов: суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд процессида: судя) ва бошқа иштирокчиларнинг квалификациянинг нотўғри қўллашлари оқибатида жиноят деб қарор қабул қилинишида улар томонидан исботлай олмаганилиги туфайли жиноят статистикасига киритилмаган алохида турдаги жиноятларнинг йиғиндисидир⁸.

Фактик жиноячиллик бўйича жиноят юстициясига маълум бўлган жиноячиллик миқдоридан анча кўпдир. Маълум бўлган жиноятлар фактик жиноячилкнинг расмий рўйхатга олинган ва тергов қилинаётган қисмидир. Фактик ва рўйхатга олинган жиноятчилик ўртасида фарқ латент жиноятчиликни такшил этади. Латент жиноятчилик айрим давлатларда хусусан Россияда хам (3-5 маротаба) рўйхатга олинган жиноятларга нисбатан бир неча марта кўпдир.

Хосил бўлиш механизмига кўра латент жиноятчилик учта асосий қисмга бўлинди.

1. Мурожаат қилинмаган жиноятлар, яъни жабланувчи, гувоҳ, мансабдор шахслар ва уларга нисбатан жиноят содир этган фуқаролар, шоҳидлар томонидан хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар берилмаган жиноятлар;

2. Хисоб (руйхат)га олинмаган жиноятлар яъни хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга маълум бўлган (жиноятни рўйхатга олиш ва жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлган) бироқ рўйхатга олинмаган ва жиноят иши қўзғатилмаган қилмишлар;

3. Аниқланмаган жиноятлар яъни хабар берилган, рўйхатга олинган, тергов қилинган, аммо тезкор қидирав ходимлари ва терговчиларнинг совуққонлиги, улар касбий тайёргарлигининг сустлиги, жиноят-хуқуқий квалификациянинг хатолиги ва бошқа сабабларга кўра қилмишда жиноят ходисаси ёки таркиби аниқланмаган қилмишлар.

Жиноятлар таснифига кўра қанчалар ижтимоий хавфлилилк даражасига кўра ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир турларга болинади. Хусусан, бу даражалар қанча ижтимоий хавфлилиги юқори бўлса, латентлик коеффиценти шунчалик паст бўлади деган фикрлар бор. Бундай боғлиқлик мавжуд, бироқ у абсолют хақиқат эмас.

⁸ Шнайдер Г.И. Криминология. – М., 1994. – 213-244-бетлар.



Мисол учун, ўта оғир жиноят қасддан одам ўлдиришни, ўзи захарлаган, баҳтсизх одиса, одамларнинг йўқолиши ва хоказолар деб яширилганлигини келтиришимиз мумкин.

ХУЛОСА

Баъзи халқаро тадқиқотларнинг натижаларига кўра хақиқатда содир этилган жиноятларнинг 50 % га яқини латент бўлиб қолмоқда.

Айрим давлатларда баъзи турдаги қилмишлар (масалан номусга тегиш, харидорларни алдаш, кам миyyорда талон-тарож қилиш ва хоказолар) бўйича латентлик даражаси анча юқори бўлиши мумкин. Хабар берилмаган жиноятлар асосан қўйидагилар билан боғлиқ :

- фуқаролар ва жиноят жабрланувчиларининг хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ишончсизлиги;
- хуқуқни муҳофаза қилиш органларининг жиноятни очиш ва аризачини химоя қила олишга ишончсизлик;
- жиноятчиларнинг ўч олишидан қўрқиши;
- тажовуз (масалан номусга тегиш)ни бошқаларга билдириласлик;
- жиноятчи билан келишув битимининг тузилганлиги;
- жиноятдан жабрланганликни билмаслик ва хоказолар.

Рўйхатга олинмаган жиноятлар бутун дунёга ўзига хос, бироқ тарихий ва бошқа сабабларга улар МДХ га кирган ва Ўзбекистонда анча кенг тарқалган. Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан яширилган жиноятлар рўйхатга олинмаган жиноятларнинг тахминан 30 % ни ташкил этади. Айрим турдаги жиноятларда бу қўрсаткич янада юқори.

Яширишга уринишнинг сабаблари турлича :

- Ички ишлар органлари ва Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлари жиноятчиликни назорат қилишга қобилиятли эканлигини қўрсатиш;
- ушбу органларнинг жиноятчиликнинг ўсишини камайтира олмаётганлиги;
- очилиши қийин бўлган жиноятлардан қочиш;
- Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида малакали кадрлар ва техника воситаларининг етишмаслиги;
- ходимлар касбий тайёргарлигининг пастлиги
- жиноят юстицияси тизимида сунстельмолчиликлар ва коррупциянинг кенг тарқалганлиги ва хоказолар.

Рўйхатга олинган, аммо суриштиручи, терговчи ва прокурорларнинг айби билан аниқланмаган жиноятлар хисобга олинганларнинг 2 – 5 % ни ташкил этади. Бу жиноят ишини қўзғатишни рад этиш, жиноят ходисаси ёки



таркиби бўлмаганлиги учун тугатиш тўғрисида қарор чиқариш, суднинг оқлов хукми чиқаришда намён бўлади.

Ҳозирги кунда криминологияда яширин (латент) жиноятлар дейилганда, жиноятга дахлдор ишларни қонун асосида кўриб чиқишига ва тергов ҳаракатларини юритишига ваколатли давлат органларига хабар келмаган ёки тегишлича ахборот-ҳисоб юритиши рўйхатидан ўтмаган жиноятларни тушуниш эътироф этилади. Ушбу умумий тушунча орқали яширин жиноятчиликнинг оддий, оралиқ ва сунъий яширинлик каби гуруҳлари белгиланган. Биринчи гу-руҳга кирувчи жиноятлар тўғрисидаги хабар тегишли давлат органларига ёки шахсга маълум бўлмаганлиги билан изоҳланади. Иккинчи гуруҳ-даги ҳолатда эса жиноий хатти-ҳаракатлар оқибатида рўй берган ҳодиса жиноят деб идрок этилмайди ва ноаниқлигича қолади. Учинчи гуруҳда-ги жиноятларда эса жиноятчилик ҳолатлари ғайриқонуний тарзда инкор қилинади ва тегишлича рўйхатга олинмайди.

Санаб ўтилган ҳолатларнинг ҳар бирида ўзига хос умумийлик мавжуд бўлиб, у ҳам бўлса жиноятчилик ёки унга тааллуқли хабарнинг йўқлиги, шунингдек, объектив воқеликдан келиб чиққан ҳолда сунъий ҳамда қасдан яшириш ҳолатларнинг мавжудлигидир. Айнан шу каби хабар келмайдиган ёки яширин жиноятлар, юқорида таъкидланганидек, жиноятчиликнинг яширинлик ҳолатини ифодалайди.

Жиноятчиликнинг яширинлик ҳолати ва айниқса, унинг миқдори (миқёси) ҳозирги кунда криминология нуқтаи назаридан энг долзарб

муаммо ҳисобланади ва ушбу муаммо кам ўрганилганлиги боис жаҳон олимларининг эътиборини ўзига қаратмоқда. Яширин жиноятчиликнинг миқдорини аниқлаш ва унга баҳо бериш эса мутахассислар томонидан жиноятчиликка умумий баҳо беришда катта аҳамиятга эга эканлиги эътироф этилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абдурасурова К. Р. Аёллар жиноятчилиги ва уларнинг олдини олиш муаммолари. Ўкув кўлланма / масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.ҳ.рустамбоев. - т.: тдюи нашриёти, 2009. -161 бет.
2. Зиёдуллаев М. Милиция маҳалла ҳуқуқ тартибот масканиларининг жамоат тартибини саклаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошкариш: ўкув-методик қўлланма / масъул муҳаррир юрид. Фан. Доктори и. Исмаилов. – т.: ўзбекистон республикаси иив академияси, 2008. – 92 б.



3. Исмаилов И. Жиноятчиликда уюштанлиқ: назария ва амалиёт муаммолари. – т.: ўзбекистон республикаси иив академияси, 2005. – 168 б.
4. Сайтқулов К.А. Ички ишлар органлари профилактика хизматларининг фукаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини ташкил этиш: ўкув-амалий қўлланма / юридик фанлар доктори, проф. И. Исмаиловнинг таҳририда. – т.: ўзбекистон республикаси иив академияси, 2015. – 123 б.
5. Хўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомил-лаштириш: Монография / Масъул муҳаррир ю.ф.д., доц. И.Ю. Фазилов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 4 б.
6. Сайдов А., Таджиханов У., Одилқориев Х. Давлат ва ҳуқуқ асослари: Дарслик. –Т.: Шарқ.-Б. 45.
7. Юридик энциклопедия/ юридик фанлар доктори, профессор У. Таджихановнинг умумий таҳририда.-Т.: “Шарқ”, 2001. –Б. 652.
8. Исмаилов И. Сайтқулов К.А., Ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси чора-тадбирлари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Т., 2015. Б-54-66.
9. Хўжақулов С.Б. “Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари мисолида):// док. дисс. афтреф// Т.: 2018.Б-20.
10. Антонян Ю.М. Криминология. Избранные лекции. – М.: «Логос», 2004. – 122 с.
11. Криминология. Умумий қисм: Дарслик / И. Исмаилов, Қ.Р. Абдурасулова ва бошқалар. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015 й. Б-179.
12. Сайтқулов К.А. Ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасининг асосий йўналишлари: Илмий рисола / Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори, А.С. Турсунов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 24 б.
13. Ривман В.Криминальная виктимология – СПб.:Питер, 2002. С-7.,
14. Антонян Ю.М. Криминология. Избранные лекции. – М.: «Логос», 2004. – 122 с.
15. Криминология. Умумий қисм: Дарслик / И. Исмаилов, Қ.Р. Абдурасулова ва бошқалар. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015 й. Б-179.



16. Хўжақулов С.Б. Хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ахборотномаси –Т.: 2017. №31-сон. Б–26.

17. Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасулова, И.Ю.Фазилов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 185.